

“МАҚОМОТ...”ДА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ЗИКРИ

Санжар Барноев Қурбонович,

ИИВ Бухоро академик лицейи

директори ўринбосари

БухДУ мустақил тадқиқотчиси

Tel: 99891-410-22-77. 200117.

E-mail: sbarnoev@mail.ru;

Аннотация: Уибу мақолада Абдулхолик Фиждувонийнинг «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» асарида Юсуф Ҳамадоний ҳақида келтирилган маълумотларнинг аҳамияти, унинг буюк мутасаввуф ҳақида бошқа муаллифлар томонидан келтирилган хотиралардан фарқли жиҳати ҳамда асарнинг бугунги кундаги қадр-қиммати хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: сўғий, тир, ириод, тазкира, маноқиб, мақомот, зикр, хонақоҳ, комил инсон, руҳ, сир.

Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳақида маълумотлар келтирилган манбаларни таҳлил қиласар эканмиз, улар асосан Ҳамадоний замондошлари ва шогирдлари томонидан ёзиб қолдирилганига гувоҳ бўламиз. Ундан кейин яшаб ижод этган мутафаккирларнинг буюк мутасаввуф ҳақидаги маноқиб, тазкира, мокомотлари биринчи гуруҳдаги маълумотларга таянилган ҳолда баён этилган, тўлдирилган, бошқа сўфийлар ҳаёти ва ижоди билан таққосланганлигини кўрамиз.

Ҳамадоний ҳақида маълумотлар берувчи илк манбалар Фаридуддин Аттор, Давлатшоҳ Самарқандий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фахруддин Али Сафийларнинг асалари ҳисобланади. Уларнинг ичida энг ишончли ва нисбатан кўпроқ маълумотларни ичига олган асар Абдулхолик Фиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” рисоласидир.

“Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” тўрт нусхаси мавжуд бўлиб, улар қўйидагилар:

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

1. Саид Нафисий томонидан ягона нусхага асосланиб, «Рисолай соҳибия» номи билан нашр этилган. (Абдулхолик Ғиждувоний. Рисолай соҳибия. Фарҳангӣ Эронзами. I. 1953. 78-101-б.).

2. Камолиддин Ҳаририйзоданинг «Тибёну васоилил-ҳақойик фи баёни салосил ит-тароик» асари ичида (Истанбул, Сулаймония кутубхонаси, Иброҳим афанди бўлими, № 30.1. 379а-389б.).

3. Абдулхолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. ЎзРФАШИ №2533,20-37-в.

4. Мулла Абдулҳаким тайёрлаган ва Ираж Афшар томонидан нашр этилган форсча «Қандия» асарида қисқача нақл этилган. (Техрон. 1955, 6-16-6).

Хожа Абдулхолик Ғиждувоний «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» билан бир қаторда, «Васоё» («Васиятнома», «Одаби тариқат», «Ҳақойик ул-иймон», «Дақойик ул ирфон» деган номлар билан ҳам аталади) ва «Аз гуфтори Хожа Абдулхолик Ғиждувоний» каби асарларнинг ҳам муаллифидир.

Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳақидаги маълумотларнинг энг мукаммали айнан «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний»да келтирилган, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Рисолада Ғиждувоний устозининг туғилишидан тортиб қаерда ва кимдан таълим олганлиги, сафдошлари, шогирдлари ва муридлари кимлар бўлганлиги, ҳаттоқи, шайхнинг кундалик турмуш тарзи қандай бўлганлиги каби маълумотлар батафсил келтирилади. Асарда Ҳамадонийнинг туғилиши ҳақида «504 йил Зулқаъда ойининг йигирма саккизинчи куни сешанбада шайхимизнинг умридан бир минг тўққиз ой ва йигирма олти кун ўтган эди19. Шайхимиз душанба куни - Сафар ойининг иккинчи кунида таваллуд топганлар», дейилади. Туғилган жойи ҳақида гап кетганда эса, Ҳамадоннинг Ғунайма маҳалласи кўрсатилади. Бироқ бошқа кўпгина манбаларда Юсуф Ҳамадоний Бузинжард маҳалласида туғилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, унинг вафоти билан боғлиқ воқеалар тафсилотида аксар муаллифлар Афғонистоннинг Бомиён шахрида вафот этганлиги ва кейинчалик хоки шогирдлари томонидан Марв шахрига олиб келиниб қайта дафн этилганлигини айтсалар, Ғиждувоний Ҳамадоний Самарқандда, Ғатфар туманинг Хушвуруд қишлоғида ўз

шогирдлари бағрида ҳаётдан кўз юмганликларини таъкидлайди: «Ҳазрати шайх Юсуф Ҳамадоний Мұхаррам ойининг йигирма саккизинчи куни пайшанбада вафот этганлар. Тафсилоти шундай: Пешин намозини адо этгач, меҳробга суяниб, муридларига: «Сув иситинг!» — дедилар. Муридлар йигладилар. Шайх ҳазратлари Абдуллоҳ Баррақий, Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий ва бу факир Абдулхоликқа ҳамда ўша ерда ўтирган қолган дўстларига қараб шундай дедилар: «Биз ўрнимизга вакил сифатида Хожа Абдуллоҳ Баррақийни ихтиёр этдик. Унга эргашингиз, мухолафат этмангиз. Иршод навбати сизга келгач, гўзал ва саодатли ҳаёт кечиринглар, муридларга қалб зикри қилишларини, баланд овоз билан зикр этмасликни тушунтиринг. Султон Санжар ибн Маликшоҳ учун ёзилган одоб ҳақидаги хусусларни муридларингизга ҳам англатинг!».

Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ташқи кўриниши, кийиниш ва еб-ичиши, тоат-ибодат ва зикр қилиши, бошқалар билан мулоқот қилишлари, ўз кундалик эҳтиёжларини қандай меҳнат орқали қондиришлари каби тафсилотлар бошқа бирор манбада «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний»дагидек берилмаган.

«Пиёда ўттиз икки марта ҳаж қилган, хафс қироати билан минг марта Куръонни хатм этган эдилар. Тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, фуруъ ва каломга доир етти юзта китобни ёд олган, икки юз ўн уч нафар машойих билан сұхбат тутганлар. Кўп вақтлар рўзадор бўлардилар. Саккиз минг бутпарастни мусулмон қилишга муваффақ бўлган, тавба қилдириб, тўғри йўлга солган кишиларининг саноғини ҳеч ким билмасди». Айнан мана шу сўзлар кейинчалик Юсуф Ҳамадоний ҳақида хотира битган муаллифларнинг аксарида такрорланади.

Абдухолик Фиждувоний буюк шайхнинг ўз даврида хукмрон доира вакиллари орасидаги юксак нуфузини Санжар ибн Маликшоҳ Самарқанддаги Қосим ибн Жўқийга ёзган мактуби баёнини келтириш орқали далиллайди: «Шайх ул-машойих вал-муслимин Али ибн Мұхаммад, Қози Алоуддин ибн Умар, Хожа Имодуддин, Амир Абдулаҳҳоб каби Самарқанд улуғларининг билдиришларича, муҳтарам Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг ёши камолга етибди. Унинг ҳузурига бориш учун бизнинг фурсатимиз йўқ. Зеро, Сулаймоншоҳ буюк бир лашкар билан бу тарафга келаётган экан. Шу боис мамлакатни ташлаб,

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Самарқанд вилоятига бориб келолмаймиз. Дарвишларнинг такя харажатлари учун Қосим ибн Жўқийга ҳалол йўлдан қўлга киритилган эллик минг динор юборилди. Сиз бизнинг ишимиз учун Фотиҳа ўқисангиз. Сизлардан асосан мақсадимиз шуки, ҳазрати шайх (Ҳамадоний)нинг ахлоқ ва аҳволи хусусида ёзиб, бизга жўнатинг. Чунки эшитишимизыва, ҳазрати шайхнинг йўли ва атвори саҳобалар (уларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин) йўлидек экан. Албатта, бунга эътибор бериб, дуогўйингизни ҳам бу давлатдан насибадор қилинглар».

Юсуф Ҳамадонийнинг Самарқандга келиши ҳақида гапирап экан Абдулхолик Ғиждувоний бунга Хизр алайҳиссаломнинг ундови сабаб бўлганлигини таъкидлайди: «Йигирма икки ёшга тўлганимда Хожа Хизр алайҳиссалом мени ҳазрати шайх Юсуф Ҳамадонийга олиб борди. Шайх Хизр алайҳиссаломнинг олдида менга қалб зикрини талқин этдилар. Кейин Хизр алайҳиссалом ҳазрати шайхга: «Сиз Самарқанд шаҳрига боришингиз керак», — деди. Шундай кейин Шайх Юсуф Ҳамадоний исмлари юқорида айтиб ўтилган азизлар билан бирга Самарқандга келдилар. Гатфар туманининг Хушвуруд маҳалласида яшай бошладилар. Йигирма икки ёшга тўлганимда Хожа Хизр алайҳиссалом мени ҳазрати шайх Юсуф Ҳамадонийга олиб борди. Шайх Хизр алайҳиссаломнинг олдида менга қалб зикрини талқин этдилар. Кейин Хизр алайҳиссалом ҳазрати шайхга: «Сиз Самарқанд шаҳрига боришингиз керак», - деди. Шундай кейин Шайх Юсуф Ҳамадоний Самарқандга келдилар. Гатфар туманининг Хушвуруд маҳалласида яшай бошладилар».

Шу ўринда айтиш жоизки, Ҳамадонийнинг хонақоҳи Самарқандда эмас, Бухоро шаҳрида, Корхона гузарида ташкил этилган ва узоқ йиллар Мовароуннахрда энг машҳур хонақоҳ сифатида фаолият олиб борган. Умуман олганда, Абдулхолик Ғиждувонийнинг маълумотлари бошқа кўпгина муаллифларнинг маълумотларидан хронологик ва географик жиҳатдан бироз фарқ қиласи. Бу тафовутларни аниқлаш, шайх ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги яқдил ҳақиқатга эришиш ҳозирги кун тадқиқотчиларининг зиммасидаги вазифадир.

Хулоса шуки, «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» буюк мутасаввуф ҳаёти, ижоди, тасаввуфий-фалсафий қарашлари ҳақида қимматли маълумотларни ўз

ичига олган нодир манбадир. Бу рисола яна шуниси билан аҳамиятлики, унда шайхнинг ибратли ҳаёти жуда жонли тасвирланган ва мана шу жиҳат бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда асарнинг қимматини янада оширади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Навоий Алишер. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ғафур Гулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи. Тошкент– 2012 йил. 298-бет.
2. Наврўзова Г. Абдулхолик Ғиждувоний (монография). Самарқанд. «Ином Бухорий халқаро маркази» нашриёти. 2020. 108 б.
3. Наврўзова Г. Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний - етти пирнинг табаррук устози / Бухоро: 2016 - 137 б.
4. Mukhamedov N. (2024). ОТРАЖЕНИЕ ТРАДИЦИЙ МЕЦЕНАТСТВА БЛАГОУСТРОЙСТВУ В ЛИЧНОСТИ ХОДЖА АХРАРА ВАЛИ. Moturidiylik, 1(1), 113-122. <https://doi.org/10.47980/MOTURIDIY/2024-1/13>
5. Сафий Фахруддин Али. “Рашаҳоту айнил-хаёт” (Оби ҳаёт томчилари). Нашрга тайёрловчилар: Ҳасаний М. Умрзоқ Б. Тошкент. “Абу Али Ибн Сино”. 2004. 21-бет.
6. Ғиждувоний Ҳожа Абдухолик. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2019 й. 19-бет.
7. Ҳасаний М. Қиличева К. Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида. Тошкент. “Фан”. 2003. 12-бет.